

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

345 Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида

Давлат мулкидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг:

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

га бириктирилган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 25-уй манзилидаги бинони (кейинги ўринларда — бино деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмасига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

бинонинг бир қисмига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дирекциясини бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти бир ҳафта муддатда бинони белгиланган тартибда топширсин, Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси қабул қилиб олсин ҳамда ундан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети параметрларида «Маданият» соҳасига назарда тутилган маблағлар доирасида бинони сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмасига ажратсин, 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида уларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига бинолар ажратиш тўғрисида» 2007 йил 1 октябрдаги 207-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 10 июль,
187-сон